

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ АЛИЖОН КАРИМОВИЧ

**ТЕНГҚАНОТЛИ-ХАРТУМЛИ ҲАШАРОТЛАР (INSECTA,
НОМОРТЕРА)НИНГ “ПАРАЗИТ-ҲЎЖАЙИН” ТИЗИМИДАГИ
МОРФО-ЭКОЛОГИК АДАПТАЦИЯСИ, ОЗУҚА ЎСИМЛИГИГА
ИХТИСОСЛАНИШИ ВА КОЭВОЛЮЦИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Хусанов Алижон Каримович

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар (Insecta, Homoptera)нинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптацияси, озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ва коэволюцияси..... 3

Хусанов Алижон Каримович

Морфо-экологические адаптации, кормовая специализация и коэволюция равнокрылых-хоботных насекомых (Insecta: Homoptera) в системе «паразит-хозяин» 27

Khusanov Alijon Karimovich

The morpho-ecological adaptation, feed specialization and coevolution equal winged-proboscidea insects (Insecta, Homoptera) in the "parasite-host" 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУСАНОВ АЛИЖОН КАРИМОВИЧ

**ТЕНГҚАНОТЛИ-ХАРТУМЛИ ҲАШАРОТЛАР (INSECTA,
НОМОРТЕРА)НИНГ “ПАРАЗИТ-ҲЎЖАЙИН” ТИЗИМИДАГИ
МОРФО-ЭКОЛОГИК АДАПТАЦИЯСИ, ОЗУҚА ЎСИМЛИГИГА
ИХТИСОСЛАНИШИ ВА КОЭВОЛЮЦИЯСИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/B108 билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ахмедов Мадаминбек Хатамович

биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Икром Искандарович

биология фанлари доктори, профессор

Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич

биология фанлари доктори, профессор

Хуррамов Алишер Шукурович

биология фанлари доктори, доцент


Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Зоология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «17» декабрь куни соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «04» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил «04» декабрдаги 4-рақамли реестр баённомаси).



Д.А.Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б.Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фаунасида тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг 30000дан ортиқ турлари қайд этилган бўлиб, улар ҳашаротлар синфининг энг кўп турга эга бўлган туркумларидан ҳисобланади¹. Ушбу ҳашаротлар декоратив ва ўрмон ниҳоллари, техник ва қишлоқ хўжалик экинларининг жиддий зараркунандалари сирасига киради. Маданий ландшафтларни асраш, аҳолини сифатли мева ва мева маҳсулотлари билан таъминлаш, зараркунанда ҳашаротлар томонидан етказилаётган иқтисодий зарарни камайтириш соҳасидаги самарали кураш чораларини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда тенгқанотли-хартумли ҳашаротларни “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланиши, морфо-экологик адаптациялари ва коэволюциясини кенг қамровли тадқиқ этиш, уларнинг ҳаёт цикли, экологияси ва эволюциясига оид муаммолар ечимини топишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада ҳашарот-ўсимлик ўртасидаги трофик алоқалари, ўзгарувчанлиги, зоогеографияси ва фауногенезига бағишланган тадқиқотлар натижаларига оид ишларни илмий асослаш, паразитлар сифатида ўсимликларга етказаетган иқтисодий зарари аниқланиб, уларга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқишни талаб этмоқда. Шунга кўра, Шарқий Фарғона тенгқанотли-хартумли ҳашаротлари ҳамда хорижий мамлакатлардан кўчат ва мевалар билан бирга кириб келаётган адвентив турлар ҳисобига энтомофаунанинг табиий барқарорлигини ўзгаришини олдини олиш, бу борада такомиллаштирилган ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда боғдорчилик соҳасини ривожлантириш ва аҳолини сифатли мева маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, интенсив мевали боғлар майдонини йилма-йил кенгайтириш, улар ҳосилига зарар етказувчи омилларни аниқлаш ва илмий асосланган кураш чораларини ишлаб чиқишга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясида² ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, интенсив боғ ва узумзор майдонларини кенгайтириш каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, интенсив боғларга зарар етказувчи тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар фаунасини ва шу ўринда мавсумий ривожланиш муддатларини аниқлаш, уларга қарши уйғунлашган ҳимоя тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси

¹ <http://animalkingdom.su/books/item/>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг турлар хилма-хиллиги, таксономияси, экологияси ва эволюциясига йўналтирилган илмий-тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Harvard University (АҚШ), American museum of Natural History, Departament of entomology, British Museum (Natural History Museum, Англия), University of Amsterdam (Нидерландия), Museum national d’Histoire naturelle, Institut Pasteur (Франция), Institute of Biology (Дания), Shinshu University (Япония), Institute für phytopathologie und pflanzenschulz, Institute für landwirtschaftliche Biologie der Universitat Rostock (Германия), Entomological Institute (Чехия), Institut Zoologiczny PAN(Польша), University of Agricultural sciencens (Ҳиндистон), Зоология институти(Россия), Зоология институти (Украина), Зоология институтида (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг тарқалиши, систематикаси, фаунаси, популяцияси, экологияси ва хўжалик аҳамиятига оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги натижалар олинган: ширалар ва кокцидларнинг дунё фаунаси бўйича маълумотлари умумлаштирилган ва мукамал каталоги яратилган (Departament of entomology, British Museum, Англия; University of Amsterdam, Нидерландия; Museum national d’Histoire naturelle, Institut Pasteur, Франция; Зоология институти, Россия), турларнинг зоогеографик тарқалиши, биологияси ва экологияси асосланган (Institute für phytopathologie und pflanzenschulz, Institute für landwirtschaftliche Biologie der Universitat Rostock, Германия; Entomological Institute, Чехия; Institut Zoologiczny PAN, Польша; Зоология институти, Россия). Турларнинг минтақавий фауногенези, эволюцияси ва популяциялар экологияси асосланган (Harvard University, АҚШ; Зоология институти, Россия; Entomological Institute, Чехия).

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. <http://www.harvard.edu>, <http://www.amnh.org>, <http://www.mnhn.fr>, <http://www.pasteur.fr>, <http://www.bio.ku.dk>, <http://www.auf.uni-rostock.de>, <http://www.uasd.edu>, https://www.zin.ru/about_r.htm, <http://www.izan.kiev.ua>, <http://instzool.kz> ва бошқа илмий манбалар асосида таҳлил этилган.

Дунёда тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг турли агробиоценозлардаги хилма-хиллиги ва экологик хусусиятлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: минтақавий ва худудий фаунанинг тур таркибини аниқлаш, морфологик ва таксономик таҳлил этиш ҳамда каталогини тузиш; биохилма-хиллик ва унинг келиб чиқиши модели; ҳашаротлар ва ҳамжамоалар популяциялари экологияси; амалий энтомология агроценозларда сўрувчи ҳашаротлар миқдор зичлигини пасайтиришга йўналтирилган илмий асосланган усулларни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг таснифий таркиби, биологияси, эволюцияси ва филогенези бўйича хорижнинг етакчи олимлари G.Rемаудiere, M.Ремаудiere (1997); D.Grimaldi, M.S.Engel (2005) ва бошқалар томонидан олиб борилган. МДҲ мамлакатларида минтақавий фаунанинг таркиби, озуқа ўсимлигидан фойдаланиш хусусиятлари, филогенезига бағишланган ишлар М.Н.Нарзиқулов (1990), А.А.Рупайс (1989), О.И.Ивановская (1977), И.Д.Митяев (1971)ларнинг монографияларида, ҳашаротларнинг эволюцияси ва коэволюциясига оид бир мунча батафсил маълумотлар И.В.Каратыгин (1993), Э.К.Гринфельд (1978) асарларида ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизда соҳага оид А.А.Бекузин, А.Г.Давлетшина (1964), Г.К.Дубовский (1966), А.А.Кан (1986)лар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида ширалар ва саратонларнинг тур таркиби, биоэкологияси, минтақавий тақсимланиши ва филогенезига оид муҳим натижалар олинган.

Ҳозирда тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар фаунасини комплекс таҳлил этиш ва уларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптациялари, озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ҳамда коэволюциясини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга ва олинган натижалар қатор назарий ҳамда амалий муаммолар ечимини топишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Зоология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф5-Т230 “Сув ва қуруқлик экосистемаларида паразитар тизим таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари” (2012-2016) фундаментал лойиҳаси ва Андижон давлат университетининг “Фарғона водийси ҳайвотот дунёсини тадқиқ этиш, тур таркиби, тарқалиши ҳаётий жараёнларини ўрганиш асосида ноёб турларни муҳофаза қилишни назарий ва амалий муаммолари” (2013-2018) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптациялари, озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг асосий йўналишларини аниқлаш ва коэволюциясининг ўзига хос хусусиятларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шарқий Фарғона тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар тур таркибини аниқлаш, таксономик таҳлил этиш ва каталогини тузиш;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг асосий йўналишларини аниқлаш ва экологик таснифлаш;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфологик адаптациялари йўналишларини аниқлаш;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги экологик адаптациялари йўналишларини белгилаш;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларни озуқа ўсимлигига ихтисосланишида “Formicidae-Homoptera” тизимидаги трофобиоз муносабатларнинг аҳамиятини таҳлил этиш;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги коэволюциясининг йўналишларини аниқлаш ва изоҳлаб бериш;

адвентив турларни кириб келиши, энтомоценозлар барқарорлигининг ўзгариши, агроценозларнинг шаклланишида тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг аҳамиятини талқин этиш ва изоҳлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Шарқий Фарғонанинг тенгқанотли-хартумли ҳашаротлари ва уларнинг озуқа ўсимликлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг таснифий таҳлили, “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптацияси, озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг йўналишлари ва экологик таснифи, энтомоценозларда бошқа ҳашаротлар билан бўлган биотик муносабатлари экологик таҳлили ҳамда коэволюция ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, энтомологик, экологик, морфологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: илк бор Шарқий Фарғонанинг тенгқанотли-хартумли ҳашаротлари фаунасининг 5 кенжа туркум, 24 оила, 137 уруғга мансуб 305 тур ва 6 та кенжа турларининг таксономик каталоги тузилган, шулардан 123 турлар тадқиқот ҳудуди аниқланган;

илк бор тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ва асосий йўналишлари ҳамда экологик таснифланиб, “паразит-хўжайин” тизимида 7 та йўналишдаги экологик адаптациялар аниқланган;

экологик талаб даражаси яқин бўлган турлар экологик токчалари параметрларининг қисман ёки устма-уст тушиш ҳолати трансгрессия асосида аниқланган, трансгрессия кўрсаткичи ва унинг экологик моҳияти очиқ берилган;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг пассив ҳимоя воситалари - танасининг ранги, мум ажратмалари хилма хиллиги экологик асосланган, аҳамияти ва таксономик гуруҳларда тадрижий-эволюцион ўзгаришлари йўналишлари аниқланган;

тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ва ундан фойдаланишида чумолилар билан бўлган трофобиоз

муносабатларнинг экологик аҳамияти очиб берилган, айти ҳашаротларнинг таснифий гуруҳларида “шира” ажратиш жадаллилиги ва даражалари қиёсий таҳлил этилиб, ишончлилиқ чегаралари аниқланган;

Ўсимликларни тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар “шира” суюқлиги билан ифлосланиш даражаси ва ҳолатини 4 баллик кўрсаткич асосида баҳолаш тизими ишлаб чиқилган;

илк бор тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги коэволюциясининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишлари очиб берилган;

адвентив турларнинг энтомоценозга кириб келиши ва уларнинг озуқа занжиридаги аҳамияти асосланган;

интенсив олма боғларининг тенгқанотли-хартумли ҳашаротларига қарши кураш чораларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг таксономик каталоги ва зараркунанда турларига қарши курашиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Ширалар ва кокцидларнинг олма ниҳолларига иқтисодий зарар етказиш даражаси, энтомофагларнинг эса самарадорлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги классик ва замонавий тадқиқот усулларини қўлланилганлиги, улар асосида олинган натижаларнинг назарий ва амалий мутаносиблиги, етакчи, нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шарқий Фарғонанинг тенгқанотли-хартумли ҳашаротлари фаунасини ўрганиш ва таснифий таҳлили асосида мазкур ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигида яшаш ва озикланишга мосланиш хусусиятлари аниқланганлиги ва экологик таснифлаб берилганлиги, ушбу ҳашаротларни “паразит-хўжайин” тизимидаги морфологик ва экологик адаптацияларининг асосий йўналишлари таърифлаб берилганлиги, экологик талаб даражаси яқин турларнинг озуқа ўсимлигидан фойдаланиш хусусиятлари трансгрессия ҳодисаси асосида талқин этилиб, трансгрессия кўрсаткичлари аниқланганлиги, энтомоконсорцияларнинг шаклланиш хусусиятлари, гильдиялар доирасида озуқа ўсимлиги билан бўлган топик ва трофик алоқалар моҳияти очиб берилганлиги, кенжа туркумлар ва ундан кейинги таснифий гуруҳларда “шира” суюқлиги ажратиш жадаллилиги, даражалари қиёсий таҳлил этилиб ишончлилиқ чегаралари аниқланганлиги, ўсимликларни “шира” суюқлиги билан ифлосланиш даражаси ва ҳолатини 4 баллик кўрсаткич асосида баҳолаш тизими ишлаб чиқилганлиги ва мезонлари асослаб берилганлиги, аутоценоз ва демоценозларнинг шаклланиш хусусиятлари талқин этилганлиги, адвентив турларни кириб келиши, энтомоценозлар озуқа занжирининг бузилиши, қайта шаклланиши

конуниятлари моҳияти очиб берилганлиги, интенсив боғлар энтомокомплексларининг шаклланиш босқичлари аниқланиб, агроценозларни тикланишидаги ўзига хослик батафсил изоҳлаб берилганлиги, тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги коэволюциясининг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишлари аниқланганлиги ва моҳияти очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, олинган натижалар интенсив олма боғларини зараркунанда ҳашаротлардан самарали ҳимоя қилиш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида интенсив олма боғлари агроценозидаги зараркунанда ҳашаротлар ва энтомофаглар ўртасида юзага келган табиий тенглик, ҳамда, барқарорликнинг шаклланиши, қўлланилаётган кимёвий захарлар ҳажмини кескин камайтириш ва охир оқибатда фойдали ҳашаротларнинг табиий популяциялари ҳисобига ҳосилни сақлаб қолиш, шунингдек, экологик тоза маҳсулот етиштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар (Insecta: Homoptera)нинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптацияси, озуқа ўсимлигига ихтисосланиши ва коэволюцияси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Шарқий Фарғона ҳудудида тарқалган Aphidinea кенжа туркумининг Phloeomyzidae (1 уруғ ва 1 тур), Anoeciidae (1 уруғ ва 2 тур), Chaitophoridae (5 уруғ ва 10 тур), Drepanosiphidae (5 уруғ ва 6 тур), Lachnidae (8 уруғ ва 24 тур), Pemphigidae (10 уруғ ва 28 тур), Aphididae (47 уруғ ва 133 тур) оилаларининг 200 тур ва 4 кенжа турга мансуб - 204 нусха тотал препарат намуналари Республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 12 сентябрдаги 4/1255-2434-сон маълумотномаси). Натижада, намуналар ҳашаротлар коллекцияси фондини бойитган ва турлар хилма-хиллигини аниқлаш ҳамда электрон маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

интенсив боғларда экологик тоза маҳсулотларни етиштиришда зараркунандаларга қарши курашнинг самарали усулларини қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган "Интенсив боғ зараркунандаларини аниқлаш ва уларга қарши курашни ташкил этиш" тавсияномаси Андижон давлат ўрмон хўжалиги тасарруфидаги "Шерқўрғон", "Луғумбек" ва "Ойим" ўрмон участкаларида, Асака туманидаги "Автосаноат агро" ва Булоқ-боши туманидаги "Даврон агросаноат" МЧЖларга қарашли жами 1850 гектар майдондаги интенсив боғларига ва Андижон вилояти ўсимликлар карантини давлат инспекциясига амалиётига жорий этилган (Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг 2019 йил 17 декабрдаги 3-23/2626-сон маълумотномаси). Натижада, интенсив боғларда экологик тоза маҳсулотлар етиштиришда зараркунандаларга қарши курашнинг самарали усулларини қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, бунда кимёвий захарларни ишлатиш миқдори кескин камайиб, интенсив боғларнинг ҳосилдорлигини ошириш имконини берган;

интенсив олма боғлари энтомокомплекслари ва агроценозларининг

шаклланиш хусусиятлари, олмазорларни тенгқанотли-хартумли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш юзасидан ишлаб чиқилган тавсиялар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 8 октябрдаги 03-03/1-3691-сон маълумотномаси). Натижада, республика ҳудудига тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг хавfli турларини четдан кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш, уларга қарши уйғунлашган кураш усулларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 17 та халқаро ва 30 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 201 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларини ўрганишга оид тадқиқотлар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида “ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларни ўрганишга оид тадқиқотлар таҳлил этилган. Унинг натижаларига кўра таъкидлаш лозимки, тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар, биринчи навбатда ширалар, қатор илмий манбаларда ўсимлик паразитлари сифатида кенг талқин этилган, улар учун озуқа ўсимлиги яшаш, озикланиш ва кўпайиш жойи сифатида экологик аҳамиятга эга. “Ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларга бағишланган ишларда асосан шираларни озуқа ўсимлигига мосланиш хусусиятлари, ўзгарувчанлиги ва бу жараённинг эволюцияси маълум даражада ўз ечимини топганлиги кўрсатилган.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-ҳўжайин” тизимидаги морфо-экологик мосланиш хусусиятлари, озуқа ўсимлигига ихтисосланиши

ва коэволюциясига оид кенг қамровли, тизимли маълумотлар илмий манбааларда ўз ифодасини топмаган.

Диссертациянинг **“Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларини ўрганиш услублари ва материаллари”** деб номланган иккинчи бобига Шарқий Фарғона худудларидан 2004-2018 йиллар давомида йиғилган материаллар, олиб борилган амалий тадқиқотлар ҳамда кузатишлар натижалари асос бўлди. Шунингдек, Андижон давлат университети экспериментал биология ва экология лабораториясининг Марказий Осиёнинг бошқа минтақалари афидофаунасига оид коллекция материалларидан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқотлар давомида Шарқий Фарғонанинг барча вертикал (денгиз сатҳидан 350-400 м дан 3500-4100 м га қадар бўлган баландлик) минтақалар – паст текислик, адир, тоғ олди, ўрта тоғ ва юқори тоғ минтақалари, табиий ва маданий ландшафтлар тўлиқ қамраб олинди.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар бўйича материаллар умумий қабул қилинган энтомологик, афидологик, кокцидологик ва цикадологик услублар (Мордвилко, 1910; Шапошников, 1952; 1964; Мамонтова-Солуха, Черкасова, 1967; Борхсениус, 1950; 1963; 1966; Дубовский, 1966; Митяев, 1971, Ахмедов, Қўшақов, Зокиров, 2007; Абдрашитова, Габрид, 2005) асосида йиғилди ва қайта ишланди.

Тадқиқотлар давомида тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг 1822 та намуналари йиғилди ва улардан 2937 та доимий препаратлар тайёрланди.

Ширалар ва айрим тур тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг мавсумий ривожланиши, ҳаёт цикллари, биологияси ва экологиясига оид дала кузатишлари доимий тадқиқот жойлари Хонобод, Ширмонбулоқ (Андижон вилояти), Саломалик ва Оқ терак (Фарғона тизмаси) қишлоқларида, амалий лаборатория кузатишлари Андижон давлат университети экспериментал биология ва экология лабораториясида олиб борилди.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар экологиясини кенг қамровли ўрганишда Р.Уиттекер, 1980; Р.Дажо, 1975; В.В.Яхонтов, 1969; А.М.Гильяров, 1990; Г.А.Викторов, 1976; М.Бигон, Дж.Харпер, К.Таунсент, 1989 ва бошқа муаллифларнинг фундаментал ишларига таянилди.

Интенсив олма боғлари энтомокомплекслари ҳамда агроценозларнинг шаклланишидаги ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари, шунингдек, айрим турларнинг ҳаёт цикли, биоэкологияси 2011-2018 йиллар давомида пастекислик, чўл, адир ва тоғ олди минтақаларида ташкилланган интенсив олма боғларда олиб борилди.

Барча статистик таҳлиллар Г.Ф.Лакин бўйича амалга оширилди. Жумладан, ширалар микдорий зичлигининг мавсумий ўзгариши жараёнидаги дисперсион фарқлар ҳисоблаб чиқилди, дисперсиялар оралиғидаги фарқларнинг аниқлик даражалари (F_{ϕ}) Фишер усули орқали текширилди. В.Баровнинг ψ^2 - пси квадрат усули бўйича турларнинг морфометрик кўрсаткилари қиёсий таҳлил этилди. Фактик натижаларни стандарт натижалар билан солиштириб, ишончилиқни аниқлашда Стьюдент мезонидан фойдаланилди, турларнинг вариация коэффиценти ҳисобланиб,

ўрта арифметик қиймат ҳатоси топилди. Ҳашаротларнинг морфометрик ўлчамларини корреляцион таҳлил этилди ва корреляция коэффицентининг ҳатосига аниқлик киритилди. Ўтказилган корреляцион таҳлиллар асосида ҳашаротларнинг мавсумий ривожланишининг регрессион таҳлиллари натижалар график ва жадвалларда берилди. Шираларнинг трансгрессия кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди.

Ҳашаротларнинг тасодифий тақсимланиши Пуассоннинг тақсимланиш қонунига мувофиқ таҳлил этилди. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар популяция зичлиги ва озуқа ўсимлигининг “шира” суюқлиги билан ифлосланиши ўртасидаги боғлиқликнинг мавсумий суръатларининг аппроксимацияси натижаларининг ишончилиги Уайтнинг Т-мезони орқали текширилди.

Диссертациянинг учинчи боби “Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “ҳашарот-ўсимлик” тизимидаги муносабатларини морфо-экологик хусусиятлари” деб номланган. Учинчи бобнинг биринчи бўлими *Шарқий Фарғона тенгқанотли-хартумли ҳашаротларининг фаунаси ва таксономик таҳлили* деб номланган бўлиб, унда Шарқий Фарғона тенгқанотли-хартумли ҳашаротларининг фаунаси таксономик таҳлил этилган. Бу ўринда тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги озуқа ўсимлигига ихтисосланиши, морфо-экологик адаптациялари ва коэволюциясини тадқиқ этишда бирламчи асос – материал сифатида Шарқий Фарғонанинг мазкур гуруҳ ҳашаротларни турлар хилма хиллиги олинди.

Олиб борилган тадқиқотлар ва фаунистик таҳлил натижаларига кўра маълум бўладики, Шарқий Фарғонанинг тенгқанотли-хартумли ҳашаротлари 5 та кенжа туркум, 24 оила, 137 уруғга мансуб 305 тур ва 6 та кенжа турдан иборат, аниқланган тур ва кенжа турлар таксономик каталоги тузилди.

123 турга мансуб тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар, шу жумладан, 67 тур ширалар, 21 тур қалқондорлар ва 35 тур саратонлар Шарқий Фарғона энтомофаунасида илк бор қайд этилди.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлими *Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит – хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг асосий йўналишлари ҳамда экологик таснифида* ушбу ҳашаротларнинг турларга бойлиги, монофаг-олигофаг-полифаг тизимида озуқа спектрининг кенгайиб бориши, ҳаёт циклининг голоциклик ёки анолоциклик эканлиги, партеногенез, жинсий ва неотения кўпайиши, нимфалар, қанотлилар, “дайди” личинкалар, личинкалар ёрдамида тарқалишига мослашганлиги ҳамда озикланувчи “ғумбак”дан етук қанотлиларни ривожланиши каби хилма-хилликка эга бўлишига қарамай уларнинг деярли барча турлари дунё миқёсида гулли ўсимликлар билан боғланган фитофаглар сифатида ўсимликларнинг зараркунандалари сирасига киради.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигида зич ёки сийрак колонияларни ҳосил қилиб, “шира” суюқлиги ажратиб чиқарувчи турлар ягона экологик типи яшаш ва

озикланишга мосланишидаги умумий хусусиятларнинг қиёсий таҳлилига кўра 6 та кенжа тип, 5 гуруҳ ва 8 та кенжа гуруҳларга ажралади (3.2.1-расм).


Ҳаёт цикли озуқа ўсимлигининг вегетация даврига мутаносиб бўлган, партеногенез ва жинсий кўпайиши галланувчи, голоциклик турлар экологик кенжа типи миграция қилмайдиган, автэций турлар экологик гуруҳи ва миграция қилувчи гетереций турлар экологик гуруҳларига бўлиниб, улар ўз навбатида 6 та кенжа экологик гуруҳларга ажратилган. Партеногенез кўпаювчи, анологциклик турлар экологик кенжа типи партеногенез кўпаювчи, тириклайин қишлоғчи турлар экологик гуруҳини ўзига бирлаштирган ҳолда партеногенез кўпаювчи монофаглар ва партеногенез кўпаювчи полифаглар экологик кенжа гуруҳидан иборат. Жинсий, партеногенез ва неотения кўпайиш хос бўлган, ҳаракатчан – “дайди” личинкалар ёрдамида яшаш ва озиқланиш жойлари чегарасини кенгайтирувчи турлар экологик кенжа типи вакилларида “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигида яшаш ва озиқланишга юқори даражада ихтисослашган – ўтроқ ҳаёт тарзи ёрқин ифодаланганлиги билан ажралиб туради.

Жинсий, партеногенез ва личинкалик давридаёқ – неотения йўли билан кўпайиш кокцидларгагина хос бўлган хусусиятлардан бири саналади.

Жинсий кўпайиш ва озуқа спектрининг кенглиги цикадалар учун хос бўлиб, улар озуқа ўсимлигига ихтисосланиши нуқтаи назаридан олигофаглар ёки кенг доирадаги полифаглар саналади, уларнинг қишлаб чиқиши 2 йўналишда амалга ошади ва тириклайин қишлоғчи турлар ҳамда тухумлари қишлаб чиқувчи турлар экологик гуруҳларига ажралади.

Жинсий йўл билан кўпайиш, монофаглик псиллидаларнинг аксарият турлари учун хос хусусият саналади. Озиқланувчи “ғумбак”лардан етук қанотлилар ривожланувчи турлар экологик кенжа типига мансуб оққанотлар онтогенетик тараққиётида “ғумбак”лик даврининг бўлишлиги уларнинг озуқа ўсимлигида яшаши ва озиқланишидаги ўзига хос, тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг бошқа кенжа туркумлари вакилларида кузатилмайдиган экологик хусусиятларидан бири саналади.

Диссертациянинг “Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимидаги морфо-экологик адаптациялари” деб номланган тўртинчи бобида ҳашаротларнинг озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг морфологик адаптациялари – танасининг шакли, ўлчамлари, ранги, морфологик ўзига хослиги, мум ажратмалар ва уларнинг ҳосилалари аҳамияти, эволюциясидаги ўзига хосликлар ҳамда тенгқанотли- хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг экологик адаптациялари уларнинг яшаш тарзи, колонияларининг хилларида, популяция зичлиги ва суръатларининг юқори бўлиши ёки давомли минимал даража кескин кўтарилиши ва тебранишида, бир озуқа ўсимлигида бир неча турнинг яшаши ва унинг барча қисмларидан фойдаланишида, экологик лабиллиги ва валентлигининг кенглигида, жинсиз – партеногенез кўпайишнинг устунлиги ёки личинкалик давридаёқ кўпайишида, шунингдек, серпуштлик, тириклайин қишлаши ва наслларни барқарор галланишида ўз ифодасини топган.




3.2.1-расм. Тенг қанотли хартумли-сўрувчи хашаротларнинг “паразит-ҳўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланишининг экологик таснифи

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар озуқа ўсимлигининг тури, унда эгаллаган яшаш ва озиқланиш жойи, ўсимлик градиенти бўйлаб тақсимланиши, географик тарқалиши, ҳаёт тарзи, таснифий ўрни уларнинг танаси шакли ва ўлчамларини белгиловчи омиллар саналади. Жумладан, ўсимликнинг танаси, шохлари, новдалари ва пояларида очик, шунингдек, илдиз ва галларда яширин яшовчи турларнинг танаси йирик ва ўлчамлари катта, ёш новдалар, поя учлари ва баргларда очик, ярим яширин ҳаёт кечирувчи турлар тана ўлчамлари чегараланганлиги билан фарқланади. Ўсимлик яруслари бўйлаб яшаш жойини мавсумий ўзгартирувчи турларнинг морфометрик кўрсаткичлари баҳордан кузга томон юқорилаб бориши ёки баҳордан ёзга қадар пасайиб, кузда кўтарилиш мумкин, ўсимликда озиқланаётган 2 ва ундан ортиқ турларнинг тана ўлчамлари ўсимлик градиенти бўйлаб юқorigа томон майдалашиб, шарқий минтақалардан – жанубга, шимолдан ғарбга томон ҳашаротларнинг морфометрик ўлчамлари пасайиб бориши қайд этилди.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг ранги пасив ҳимоя воситаси сифатида озуқа ўсимлигида эгаллаган жойига мос тушади ёки огоҳлантирувчи ранг сифатида ажралиб туради, турлар ўртасида қизил-жигарранг-кўнғир-қора йўналишдаги тўқ ранглار ва оқ-кулранг-пушти-сарик-яшил қаторидаги ёрқин ранглар нисбати яхши ифодаланган.

Мумли ажратмалар ва уларнинг хосилалари тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар учун механик ҳимоя вазифасини ўтайди, танадаги ортиқча углеводларни ажралишини таъминлайди, тана ҳароратини кўтарилишини ва сувни ортиқча буғланишини чегаралайди, ортиқча намлик таъсиридан ҳимоялайди. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида озуқа ўсимлигига ихтисосланишидаги пасив ҳимоянинг юзаланишида мум ажратмалар хилма хиллиги, ҳамда такомиллашиб бориши, кокцидларнинг эволюцион примитив оилаларидан ҳақиқий қалқондорларга томон Margarodidae – Pseudococcidae – Ortheziidae – Asterolecaniidae – Coccidae – Diaspididae оилалари кетма-кетлигида юқорилашиб борган (4.3.1-расм).



4.3.1-расм. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар таснифий гуруҳларида мумли ажратмаларнинг такомиллашиб бориш йўналишлари

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-хўжайин” тизимида шаклланган морфологик ўзига хослиги, ксерофил ширалар танасининг кичиклиги, яхши дифференциалланмаган шира найчалари, думча, ўта калта мўйловларида; мезофил ширалар танасининг йириклиги, кучли ривожланган шира найчалари, думчалар, мўйловлари, барг юзасида яшовчилар болдирининг охирида шаклланган ёстиқсимон бўртмаларида, галл ва илдиз шираларининг шишган таналари, деградацияга учраган кўзлари, оёқлари, мўйловлари, думча ва шира найчаларида; кокцидлар урғочиларининг узун стилетлари, тўлиғича редукцияланган оёқлари, мўйловлари, 1 ёки 2 бўғимли панжалар ва якка тирноқчалари ва бошқаларда ўз ифодасини топган.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар онтогенезининг турли даврлари учун, шунингдек, псиллидалар, оққанотлар, саратонлар, ширалар ва кокцидларда фарқланувчи, бир-бирига қарама қарши бўлган ҳаракатнинг сустилиги, ҳаракатсизлик ва ўта фаоллилик хосдир.

Экологик талаб даражаси яқин бўлган турлар экологик токчалари параметрларининг қисман ёки бутунлай мос тушиши, яъни чегараларининг қисман кесишиши ёки устма-уст келиши ҳолати илк марта трансгрессия ҳодисаси асосида талқин этилди. Трансгрессия кўрсаткичи – бу экологик талаб даражаси яқин бўлган, муайян бир жой ва вақтда ягона озуқа ўсимлигидан фойдаланувчи турлар ўртасидаги рақобат даражаси бўлиб, унинг фоизлар ҳисобида 100 га қадар кўтарилиб бориши турлар ўртасида озуқа ресурси учун бўлган рақобатнинг кучайиб бориши, аксинча, нолга интилиши бу жараённинг сусти эканлигини ифодалайди; трансгрессия натижасида кучсиз рақиб кучли рақобатчи тур ёки турлар томонидан инкор этилади, яъни рақобат майдонидан сиқиб чиқарилади. Энг юқори трансгрессия кўрсаткичи *A. craccivora* ва *A. gossypii* (79,50%), *Aphis pomi* ва *Dysaphis plantaginea* (79,25%), *Cavariella theobaldi* ва *Aphis farinosae* (78,42%) турлари ўртасида, нисбатан паст кўрсаткич *Aphis gossypii* ва *Acyrtosiphon gossypii* (67,30%), *Aphis farinosae* ва *Tuberolachnus salignus* (67,12%) жуфтликларида қайд этилди.

Энтомоконсорция – бу, биоценоз доирасида ҳаёт цикли бир тур ўсимлик билан топик ва трофик боғланган ҳашаротлар популяциясининг мажмуи бўлиб, тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар энтомоконсорцияларининг турлар хилма-хиллиги озуқа ўсимлиги архитектуроникасига чизиқли боғланган ва бу кўрсаткич дарахтлар – буталар – ўтсимон ўсимликлар кетма-кетлигида пасайиб боради.


Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг наъматак энтомоконсорциясида 4 кенжа туркум, 8 оила, 20 та уруғга мансуб 26 тур қайд этилди ва унда ширалар ҳамда кокцидлар гильдиялари фарқланади, тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг наъматак энтомоконсорцияси турлари биоэкологик, морфологик, шунингдек, биометрик кўрсаткичларига мос ҳолда озуқа ўсимлигининг архитектуроникасига боғлиқ ҳолда унинг яруслари бўйлаб тегишли экологик токчаларни – яшаш ва озикланиш жойларини эгаллайди, бу кўрсаткич уларнинг популяциялари суръатларини мавсумий ва кўп йиллик тебранишини ҳам белгилайди.

Ўзбекистон шароитида теракларда тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар туркумининг 9 оиласига мансуб 35 тури, шу жумладан, ширалар ва саратонлар ҳар бирининг 14 тадан, кокцидларнинг эса 7 тури озиқланиб зараркунандалик қилади. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг теракларда шаклланган энтомоконсорцияларида, озуқа ўсимлигига мутаносиб равишда ширалар, кокцидлар ва саратонлар гильдиялари фарқланади, тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг теракларда эгаллаган яшаш ва озиқланиш жойлари, мавсумий ва экологик дифференцияланиши, ҳаёт цикли ҳамда популяция суръатлари бўйича аниқ фарқланган бўлиб, экологик кетма-кетлик ва гильдиялар қоидаларига тўлиқ мос тушади.

Диссертациянинг **“Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларни озуқа ўсимлигига ихтисосланишида “Formicidae-Homoptera” тизимидаги трофобиоз муносабатларига”** бағишланган бешинчи бобида ифодаланганидек, тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ва чумолилар ўртасидаги трофобиоз ёки трофобиотик муносабатлар симбиознинг хусусий холи, улар “ўсимлик – сўрувчи ҳашарот – трофобивинт” тизимидаги уч томонлама трофик боғланиш бўлиб, эволюцион коадаптациянинг натижаси саналади. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар туркуми барча вакилларининг углеводларга бой “шира” суюқлигини ажратиб чиқариши, фақат уларгагина хос бўлган хазм системасининг тузилиши, “паразит-ҳўжайин” тизимидаги морфо-экологик ихтисосланишлари билан чизиқли боғланган ва айни омил уларни чумолилар билан бўлган трофобиотик муносабатларига асос бўлган

Ширалар (Aphidinea), кокцидлар (Coccinea), барг бургалари (Psyllinea), саратонлар (Cicadinea) ва оққанотлар (Aleyrodinea) нинг “шира” суюқлигини ажратиб чиқариш кўрсаткичлари Уайтнинг T-мезони бўйича Aphidinea-Coccinea-Psyllinea-Cicadinea-Aleyrodinea кетма-кетлигида ишончли ($P > 0.01$) даражада пасайиб боради, шираларнинг Lachnidae оиласи турларининг “шира” суюқлигини ажратиш кўрсаткичи энг юқори бўлиб, унга нисбатан Chaitophoridae, Anoecidae, Eriosomatidae, Aphididae оилаларининг ҳар бири юқори ишончли ($P > 0.01$) даражада фарқланади, Lachnidae-Drepanosiphidae жуфтлигида фарқланиш 95% ($P > 0.05$) га тенг, кокцидларнинг Coccidae ва Pseudococcidae, саратонларнинг Cicadellidae, Membracidae, Tettigometridae оилалари турларининг “шира” суюқлиги ажратиш даражалари яқин бўлиб, киёсий кўрсаткичлари ($P < 0.05$) қийматига мутаносиб келади (5.1-расм).

“Шира” суюқлигининг ажралиш жадаллилиги, мавсумий ўзгариши тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар турларига ва озуқа ўсимлигига боғлиқ, уларнинг популяция зичлигининг баҳорги-ёзги ва ёзги-кузги кўтарилишига монанд “шира” суюқлигини ажралиб чиқиш жадаллилиги ва озуқа ўсимлигининг “шира” суюқлиги билан ифлосланиш даражаси бир бири билан чизиқли боғланган; тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ёзги-кузги мавсумдаги популяция зичликлари баҳорги-ёзги кўрсаткичларга нисбатан юқори бўлади, озуқа ўсимлигининг “шира” суюқлиги билан жадал ифлосланиши ва чумолилар миқдорини ортиши ёз-куз мавсумига тўғри келади.



5.1-расм. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “шира” суюқлигини ажратиш даражалари (%)

Ўсимликларни “шира” суюқлиги билан ифлосланиш даражаси ва ҳолатини 4 баллик кўрсаткич асосида баҳолаш тизими ишлаб чиқилди ва мезонлари асослаб берилди.

5.1-жадвал

Озуқа ўсимлигининг “шира” суюқлиги билан ифлосланиши ва ҳолатини балларда баҳолаш мезонлари

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар сони	Озуқа ўсимлигини “шира” суюқлиги билан ифлосланиш даражалари		Чумолиларнинг ўтиш тезлиги (минутига/дона ҳисобида)
	Балларда	Ҳисобда	
150-170	I	0-10	0-5
400-450	II	10-40	6-10
700-750	III	40-70	10-20
800-900<	IV	70-100	20-30<

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар турларининг чумолилар билан трофобиотик муносабатлари ва трофобиозни ифодаланиши уларнинг морфо-экологик такомилланиши даражасига ҳамда таксономик ўрнига боғлиқ; трофобиоз муносабатлар тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг эволюцион кўҳна, озуқа ўсимлигининг барг ва новдалари, илдиз системасида очиқ ёки ярим очиқ колонияларни ҳосил қилувчи турларида кўплаб учрайди.

Эволюцион ёш таксонлар вакиллари, шунингдек, яширин яшовчи, танаси оқ момиқ ёки ғубор билан зич қопланган турлари чумолилар билан боғланмаган

Чумолилар ва тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ўртасидаги трофобиотик муносабатларни турли биоценозларнинг мавсумий шаклланиши ва фунцияланишидаги аҳамияти қора йўнғичка, полиз ва катта ғўза ширалари мисолида талқин этилди. Ғўза ширалари ва чумолилар ўртасидаги трофобиотик муносабатлар шира турига, миқдор зичлигига ва мавсумга боғлиқ ҳолда намоён бўлади, баҳор ва дастлабки ёз ойларида қора йўнғичка шираси ва чумолилар ўртасидаги муносабат нисбатан барқарор мутуализм кўринишида юзаланеди, айна даврда ғўза шираларининг бошқа турлари чумолилар учун оддий ғаним саналади, улар ўртасида “йиртқич-ўлжа” муносабатлари ифодаланеди. Чумолиларнинг полиз шираси билан муносабатлари протокооперацияга асосланган вақтли-факультатив мазмунга эга, катта ғўза шираси ва чумолилар ўртасида трофобиоз алоқалар кузатилмайди.

Диссертациянинг **“Тенгқанотли-хартумли ҳашаротларнинг “паразит-ҳўжайин” тизимидаги коэволюцияси”** деб номланган олтинчи бобида мазкур ҳашаротлар коэволюциясининг асосий йўналишлари таҳлил этилган. Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ва ўсимликлар ўртасидаги биотик муносабатлар палеобиологик ҳамда тарихий-эволюцион нуқтаи назаридан нисбатан янги ҳодиса сифатида ҳар қандай экотизимда улар ўртасидаги уйғунлик парагенетик ассоциациянинг махсули саналади; “паразит-ҳўжайин” тизимида тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ва ўсимликлар ўртасидаги коэволюция бошланғич босқичда суст кетган, кейинги тадрижий – такомилланиш давомида мазкур жараён жадаллашиб борган ва бу ҳолат айна гуруҳ организмлар биологик прогрессининг қарор топишига сабаб бўлган.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар примитив гуруҳларининг “паразит-ҳўжайин” тизимидаги коэволюцияси уларни асосий озуқа ўсимлигида яшаш ва озикланишга ёки асосий озуқа ўсимлиги ареалининг қисқариши натижасида бошқа дарахтларда яшашга иккиламчи, ҳамда асосий озуқа ўсимлиги ареалининг қисқариши ва қирилиб кетиши натижасида ўт ўсимликлар илдизида яшашга коэволюцион ихтисосланиши, гулли ўсимликлар ва афидид ширалар ўртасидаги коэволюциянинг ўзига хослиги дарахт ва буталарда шираларнинг нисбатан примитив турларининг доимий ва қисқа муддатли яшаш ва озикланишига, ўт ўсимликларда доимий, мавсумий ҳамда вақтинча фойдаланишига коэволюцион ихтисосланишида ўз ифодасини топган.

Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар миқдор зичлигининг баҳорги ва дастлабки ёз ойлари давомида жадал кўтарилиши, уларнинг ҳаёт циклидаги турли формалар ўртасида асосий функцияларининг тақсимланганлиги, сўлак ферментатив таркибининг мукамаллашиб бориши, крахмални эрувчан углеводга айланишини жадаллашишига бўлган мосланиши ҳам коэволюциянинг хосиласи саналади.

Ширалар ва озуқа ўсимлиги ўртасидаги “паразит-хўжайин” муносабатларнинг тадрижий – эволюцион давомийлиги улар ўртасидаги, дастлабки рақобатни нейтрал даражага қадар барқарорлашиб боришига, натижада шираларнинг таъсирига нисбатан ўсимликда чидамлилиқ шаклланиши, “паразит-хўжайин” муносабати ўсимлик учун ижобий аҳамият касб этиши ҳам мумкин.

“Паразит-хўжайин” тизимида ўсимликларнинг тенгқанотли-хартумли ҳашаротларга нисбатан толерантлиги улар хужайраларида турли захарли кимёвий моддаларни синтезланиши ва йиғилишида фитофаглар шикастлашига жавоб реакцияси сифатида биологик имкониятни захирада сақлаб қолиши ҳамда керакли муддатда бу имкониятдан фойдаланишида ўз ифодасини топган.


Тенгқанотли-хартумли ҳашаротлар ва ўсимликлар ўртасидаги коэволюция нафақат примитив – эволюцион кўҳна турлар, шунингдек, апоморф белгиларни ўзида мужассамлаштирган – эволюцион ёш турлари ўртасида ҳам ўз ифодасини топган.

“Паразит-хўжайин” тизимида шираларнинг Lachnidae оиласи турларидан Chaitophoridae вакилларига томон морфометрик кўрсаткичларни кичик қийматларга томон кескин пасайиши, аксинча Macrosiphonina турларига томон морфометрик қийматларни юқорилашиб бориши кузатилди. Macrosiphonina лар учун танасининг йириклиги, очик колонияларни шакллантириши, шира найчалари, думчаси ва оёқларининг узунлиги характерли.

